


Набий алайҳиссалом масжидларида турли даврларда ёзилган Қуръон қўлёзмалари намоиш этилади



16:06 / 16.01.2021 1268



«Масжидул Набавийда ноёб қўлёмаларнинг доимий кўргазмаси» тадбирининг очилиш маросимига сўнгги босқич тайёргарлик жараёни олиб борилмоқда. Бу ҳақда al ektisadiye сайти хабар берди.




Унда Масжидул Ҳаром ва Масжидул Набавий пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга оид маълумотлар эълон қилинади. Шунингдек, қадимги исломий меросни ҳужжатлаштиришдан ташқари, Ислom дини дурдоналари ҳамда авлодлар учун араб ва Ислom ғоялари акс эттирилади.



Ҳарамайн ва Шарифайн маъмурияти Масжидул Ҳаром ва Масжидул Набавийнинг вакиллари билан ўзаро англашинув меморандумида Мадинага мамлакат ичкарисидан ва ташқарисидан ташриф буюриши мумкин бўлган зиёратчилар учун бошқа илмий дастурларни тайёрлади. Олимлар ва мутахассисларга қўлёзмаларнинг бутун араб тарихидаги ролини тушунтириб берадиган фойдали маълумотлар берилди.



Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларидаги нодир қўлёмаларнинг доимий кўргазмаси икки муқаддас масжид тарихини йиғиш учун дастлабки контекст бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, Ислом тарихи ва турли даврларда ёзилган Қуръон қўлёмалари намойиш этилади.



Хуршид Маъруф тайёрлади